

**“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти
тафтиш комиссиясининг хулосаси**

“20” ноябр 2021 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис
Юлдашов Жалолиддин Ярашевич - аъзо
Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

**Жамиятнинг 2021 йил 3 чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари
қуйидаги кўринишда бўлган:**

минг,сўм

т/р	Кўрсаткичлар номи	2020 й. 3 чорак	2021 й. 3 чорак	-/+ фарқи
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	50 634 302	75 489 245	24 854 943
2.	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннари	37 578 142	40 400 908	2 822 766
3.	Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда	13 056 160	35 088 337	22 032 177
4.	Дебиторлик қарзлари	152 832 462	105 464 880	-47 367 582
5.	Кредиторлик қарзлари	25 807 320	23 876 328	-1 930 992
6.	Давр харажатлари	17 624 846	30 029 588	12 404 742
7.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	7 507 621	2 844 385	-4 663 236
8.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	2 938 935	7 903 134	4 964 199
9.	Молиявий фаолият бўйича даромадлар	0	353	-
10.	Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда	2 068 172	7 801 748	5 733 576
11.	Фойда солиғи	310 225	1 181 392	871 167
12.	Ҳисобот давридаги соф фойда	1 757 947	6 620 356	4 862 409

2021 йил 3 чорақда 215 минг тонна кўмир казиб чиқариш режалаштирилган эди, хақиқатда эса 197,2 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 91,7 фоизга, 2020 йил 3 чорақка нисбатан эса 6,8 фоизга ўсган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тахлил қилганда, 2020 йил 3 чорақ якуни бўйича дебитор қарзлари 152 832 462 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил 3 чорақ якуни бўйича 105 464 880 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йил бошига нисбатан 47 367 582 минг сўмга камайган.

Кредитор қарзлари 2020 йил 3 чорақ якуни бўйича 25 807 320 минг сўм бўлган бўлса, 2021 йил 3 чорақ якуни бўйича 23 876 328 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йил бошига нисбатан 1 930 992 минг сўмга камайган.

Жамиятнинг 2021 йил 3 чорақда маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 35 088 337 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 22 032 177 минг сўмга ошган. Корхонанинг 2021 йил 3 чорақ якуни бўйича даромад солиғи тўлагунга қадар фойдаси 7 801 748 минг сўмни ташкил этган, 1 181 392 минг сўм миқдоридида фойда солиғи тўланган. Натижада жамиятнинг олган соф фойдаси 6 620 356 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 3 чорағида тузилган шартномаларнинг умумий сони 359 та бўлиб, улардан 14 таси тўғридан-тўғри тузилган, 345 та шартнома электрон платформа орқали тузилган.

2021 йил 3 чорақ давомида йирик битимлар тузилмаган, шунингдек аффилиланган шахслар билан хўжалик фаолияти учун иловага мувофиқ 3 та шартномалар имзоланган.

Тафтиш комиссияси раиси:



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари:




Ж.Я. Юлдашов

Н.Р. Абдурахимова